

Ўзбекистон Республикаси
худудида қўлланиши рухсат этилган
онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал
кассаларнинг Давлат реестрини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

Солиқ қўмитаси Раиси

_____ га

АРИЗА

(Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассаларни Давлат реестрига киритиш тўғрисида)

СТИР _____

(тадбиркорлик субъекти номи)

_____ манзилда жойлашган _____ га

(юридик манзили)

(мулкчилик шакли)

_____ русумли онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг

_____ версиясини иловада келтирилган ҳужжатлар асосида Давлат реестрига
киритишингизни сўрайман.

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги маблағ ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига захирага қўйилганлиги ҳақидаги маълумот ёки захира суммаси олти ой ичида шакллантирилиши мумкинлиги тўғрисида банк ёки суғурта ташкилотларининг кафолат хати ёхуд етказилган зарарларни қоплаш учун банк томонидан берилган кафолат хати (виртуал касса бундан мустасно);

2. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулотининг техник ва функционал тавсифларига мувофиқлиги юзасидан операторнинг хулосаси;

3. Шакллантирилган касса чеклари намуналари;

4. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг эталон намунаси;

5. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг техник ва функционал тавсифлари батафсил кўрсатилган техник паспорт (ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) ҳамда кафолат мажбуриятлари;

6. Фойдаланиш ҳужжатлари (фойдаланувчи учун қўлланма, ўрнатиш бўйича қўлланма ва солиқ инспектори йўриқномаси);

7. Ариза берувчининг эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш тўғрисидаги кафолат хати;

8. Виртуал касса ёки онлайн-НКМ дастурий маҳсулотининг муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (патент). Бунда ҳужжат бошқа давлатдан олинган бўлса унинг манбаси кўрсатилади;

9. Виртуал касса ёки онлайн-НКМ дастурий маҳсулотига “Киберхавфсизлик маркази” ДУК томонидан берилган экспертиза хулосаси;

10. Онлайн-НКМга сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати.

Илова: _____ варақда.

_____ (Юридик шахс мансабдор шахсининг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (сана)

Телефон рақами: _____

Почта манзили: _____